



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2025  
1-сон



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 1-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир**

**ўринбосари:**

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

А.Х.Мингбоев

**Техник муҳаррир:**

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба  
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида  
тарқатилади.**

**Тахририят манзили:**

140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темура кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори, DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти, DSc

**А.М.Каримова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

## МУНДАРИЖА:

<b>НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ</b>	
<b>Саидахроп Саидахмедович Гуломов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев</b> Ақлий меҳнатнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг самарадорлигини ошириш йўналишлари	5
<b>Умар Худайбердиев</b> “Яшил” иқтисодиёт ривожланишининг муҳим омиллари	9
<b>РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ</b>	
<b>Зарина Муродовна Мухаммедова</b> Хизматлар соҳасининг виртуаллаштирилган инновацион инфратузилмасини шакллантиришда электрон иқтисодиёт воситаларидан фойдаланиш имкониятлари	12
<b>Sirojiddin Abdullayevich Maxmudov</b> Raqamli iqtisodiyot sharoitda elektron savdoning rivojlanishiga ta'sir etuvchi omillar	16
<b>Jonibek Adxam o'g'li Maxmudov</b> Mintaqani barqaror rivojlantirishda turizm sohasidagi tarkibiy o'zgarishlar va ularda raqamli texnologiyalarning ahamiyati	22
<b>САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Бекзод Низамкулович Атамуродов</b> Respublikamizda maxsus iqtisodiy zonalarining bugungi kundagi holati tahlili	28
<b>ТАДБИРКОРЛИК, МЕҲНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ</b>	
<b>Ашур Али Рустам ўғли Латипов</b> Камбағалликни қисқартиришда иш билан бандликни таъминлашнинг стратегик йўналишлари	31
<b>ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС</b>	
<b>Тулкин Саидахмедович Шарипов</b> Овқатлантириш хизматларини ривожлантиришда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш имкониятлари	39
<b>Шохида Ильясовна Артикова, Дилафруз Бахрилловна Абдуллаева</b> Развитие сферы услуг в условиях цифровой трансформации экономики	43
<b>Zafarjon A'zamovich Axmedov</b> Tibbiy xizmatlari bozorida iste'molchi (bemor)larning talabini baholash borasida yondoshuvlari	47
<b>Мурод Нозирович Ибрагимов</b> Совершенствование формы и содержания технического задания на оказание консультационных услуг	51
<b>Фарход Анварович Сафаров</b> Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини такомиллаштиришда innovatsion jarayonlarning xususiyatlari	57
<b>Nasiba Ergasheva</b> Keytering outsorsing xizmatlarini rivojlantirishning zamonaviy tryendi sifatida	62
<b>Khudoynazar Ergashev, Azizbek Khabibullaev, Odiliya Soibnazarova</b> Supporting the service sector from the state government mechanism	66

## НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Саидахрор Саидахмедович Ғуломов – ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев – СамИСИ профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

### АҚЛИЙ МЕҲНАТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ, УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада ақлий меҳнатнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг самарадорлигини ошириш йўналишлари қараб чиқилган. Бунда ақлий меҳнатнинг хусусиятлари ва жисмоний меҳнатга нисбатан самарадорлиги бир қанча йўналишларда асосланган. Ақлий меҳнат самарадорлигини ошириш эвазига Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш мумкинлиги, бунга эришиш учун бир қанча илмий-амалий тавсиялар ҳам келтирилган.

**Калит сўзлар:** меҳнат, ақлий меҳнат, жисмоний меҳнат, ижодий меҳнат, инсон ақлий капитали, ақлий меҳнат унумдорлиги, тоза ҳаво, тоза сув, овқатларнинг тозаллигини сақлаш, ақлий тиббиёт, ақлий жисмоний тарбия.

**Кириш.** Мамлакатимизда меҳнат масаласи қонун билан белгиланган. Ушбу Кодекснинг асосий вазифалари белгилаб берилган. Бунинг 2-моддасида “иш берувчиларнинг кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва самарали меҳнат жараёнини ташкил этиш соҳасидаги ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлаш” вазифаси қўйилган. Шунингдек, 24-моддасида эса, иш берувчининг ҳуқуқлари қайд этилган бўлиб, бунда улар қўйидаги ҳуқуқларга эга дейилган. Бу: “ходимларни ҳалол самарали меҳнати учун рағбатлантириш” ҳуқуқи бўлиб, икки ҳолатда ҳам самарадорлик масаласи қўйилган. Самарали меҳнат биринчи галда ақлий меҳнат бўлиб ҳисобланади. Шу жиҳатдан ақлий меҳнатнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг самарадорлигини ошириш йўналишларига бағишланган мазкур мақола долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада ақлий меҳнатнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг самарадорлигини ошириш йўналишларини қараб чиқиш жараёнида макон ва замон, индукция ва дедукция, шакл ва мазмун, таҳлил ва синтез каби услублардан ва усулларидан фойдаланилган. Бунда асосан мантикий таҳлил усулларидан ҳам фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Ақлий меҳнат, яъни ақл билан бажариладиган иш, жисмоний меҳнатга нисбатан бир қатор самарадорлик ва афзалликларга эга. Бу ерда баъзи муҳим жиҳатларни кўриб чиқамиз. Ақлий меҳнат самарадорлиги, энг аввало, унинг тезкор қарор қабул қилиш имкониятига эгаллиги билан ўлчанади. Ақлий меҳнат инсоннинг миясидаги тажрибага ва билимларга асосланиб, муаммоларни тез ва самарали ҳал қилиш имконини яратади. Чунки ижодкорлик шу меҳнат маҳсулидир. Янги ғоялар яратиш ва мураккаб вазиятларда ечим топиш қобилияти ақлий меҳнат самарадорлигини оширади.

Ақлий меҳнатнинг ҳосиласи иқтисодиёт нуқтаи назаридан рақамли технологиялар бўлиб ҳисобланади ва мос равишда ушбу технология ақлий меҳнатнинг самарадорлигини жадаллик билан ошириш имкониятини ҳам яратади. Чунки бу замонавий технологиялардан фойдаланиш, маълумотларни тезкор тарзда таҳлил қилиш ва автоматлаштириш имкони билан иш самарадорлигини мунтазам равишда ошириб боради.

Ақлий меҳнатнинг афзалликлари шундаки, ушбу меҳнат одатда жисмоний меҳнатга нисбатан қулай шароитларда амалга оширилади, бу эса ходимларнинг ишлашни енгиллаштиради. Енгил меҳнат билан кўп ва мураккаб маҳсулотларни етиштириш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш имконияти яратилади.

Ақлий меҳнат учун меҳнат шароити унчалик қиммат ашёларни талаб қилмайди. Шундай бўлсада ақлий меҳнат кўпинча масофавий ишлаш имконини беради, бу эса вақт ва моддий неъматларни тежаган ҳолда ҳаёт сифатини ошириш учун тегишли шароитни ҳам яратиш беради. Шу тариқа ҳаёт ва фаолият орасидаги мувозанатни яхшилайдди. Келажакда масофавий ишнинг кўлами кенгайиб боради ва мос равишда иш самарадорлиги ҳам

мунтазам равишда ошиб бориш имкониятига эга бўлади.

Ҳозирги пайтда ақлий меҳнат ходимларнинг касбий ривожланиши учун ҳам асос бўлмоқда. Ақлий меҳнат соҳасида малакаларни ошириш ва касбий ривожланиш учун кўп имкониятлар мавжуд. Муҳими, ўз уйингизда ёки иш жойингизда туриб малакани ошириш имконияти мавжуд бўлган ва шу жойнинг ўзида ушбу малакани амалиётга қўллаш шароити ҳам яратилган. Гапнинг индаллоси, ақлий меҳнат самарадорлиги ва афзалликлари ишчиларнинг психологик ва жисмоний саломатлиги, ижодий қобилиятлари, ҳамда муаммоларни самарали ҳал қилиш қобилиятига ижобий таъсир кўрсатади. Бунинг учун тематик ўқув, тренинглар ва индивидуал ривожланиш режалари муҳим аҳамиятга эга. Булардан кўриниб турибдики, ақлий меҳнат ўзига хос хусусиятларга эга бўлиш билан бирга бир қанча афзалликларга ҳам эга экан. Буларнинг айримларини қараб чиқамиз:

**Биринчидан**, ақлий меҳнат билан бир марта бирор нарса яратилса у узоқ йиллар шу яратилган соҳаси орқали халқимизга хизмат қилади. Масалан, дастурий маҳсулот яратилган бўлса, унинг нусхасини узоқ йиллар миллионлаб истеъмолчиларга сотиш мумкин. Бу маҳсулот нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида ҳам қўлланилиши мумкин. Бунда яратилган маҳсулот моддий неъмат сифатида ташилмайди ёки омборда сақланмайди. Бу бойлик ёзувда ва сўзда ўз аксини топади. Ақлий меҳнат билан шуғулланган одам ўтириб ишлайди, жисмоний меҳнат қилган одам юриб ва туриб ишлайди. Жисмоний меҳнат қилган одам ўтириб дам олади, ақлий меҳнат қилган одам юриб дам олади.

**Иккинчидан**, ақлий меҳнатни масофадан туриб ҳам амалга ошириш ва бирор топшириқни бажариш мумкин. Жисмоний меҳнат қилган одам бевосита қўл билан бажарганлиги учун, уни масофадан туриб бажариш имкониятига эга эмас. Ақлий меҳнатни қилиш ва уни узатиш учун интернет вужудга келди. Бу орқали ақлий меҳнат соҳиблари маълумотларни олиш ва етказиб бериш имкониятларига ҳам эга бўлди. Бундай ишларни жисмоний меҳнат билан амалга ошириб бўлмайди. Жисмоний меҳнатнинг натижасини ва у билан яратилган неъматларни масофадан етказиш учун транспорт воситаларидан фойдаланиш лозим бўлади.

**Учинчидан**, ақлий меҳнат билан бир вақтнинг ўзида бир қанча ишларни бажариш мумкин экан. Бир вақтнинг ўзида талабгардан, яъни истеъмолчидан буюртма қабул қилиб олиши, уни баҳолаши, буюртмачига юбориши (интернет) орқали сотиши, сотилган қийматни интернет орқали қабул қилиб олиш имконияти яратилади. Муҳими бу чегара танламайди. Мамлакатимизда туриб хизматларни экспорт қилиб, у ерда иш бажариб, тегишли миқдорда даромад қилиш имконияти ҳам яратилади. Дунё миқёсида ақлий меҳнат маҳсули бўлган интернет орқали минглаб фриланслар бир вақтнинг ўзида бир қанча ишларни бажариб фаолият кўрсатмоқдалар. Бизда ҳам булар кўпаймоқда.

**Тўртинчидан**, ақлий меҳнат қилиш қобилияти, инсондаги истеъдод наслдан наслга ўтади. Жисмоний меҳнат аксарият ҳолда наслдан-наслга ўтмайди, бунинг ўрганиш орқали эгалланади. Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, агар истеъдодли ота бўладиган бўлса, бу истеъдод, албатта, учинчи авлодга ўтганига кўп ҳолларда гувоҳ бўлганмиз. Ҳар қандай боланинг шаклланишида оилавий тарбиянинг ўрни катта. Агар бола истеъдодли оилада туғулган бўлса, ўша оиладаги муҳит билан улғаяди ва бунинг ривожланишига насл билан бирга оилавий муҳит ҳам таъсир қилади. Бу, албатта, истеъдоднинг шаклланишига муҳим иккита омил бўлиб ҳисобланади.

**Бешинчидан**, ақлий меҳнат маҳсулини қанчалик кўп тарқатсангиз бу бойлик ўшанча кўпаяверади. Жисмоний меҳнат маҳсулотини истеъмол қилиш билан уни камайтиради ва вақти келиб тугатиш мумкин. Жисмоний меҳнат маҳсулини тарқатиш орқали камайтиради, ақлий меҳнатнинг маҳсули кўпайтиради. Масалан, илмни олайлик, бир киши битта илмни эгаллайди. Агар уни 10 кишига тарқатсангиз, илм айнан шу ўнтага кўпаяди, агар 100 кишига тарқатсангиз юзтага кўпаяди. Жисмоний меҳнат билан 100 кило картошка етиштирган бўлсангиз 100 кишига тарқатсангиз, бу неъмат тугайди. Шу туфайли мамлакатни ривожлантириш учун ақлий меҳнатга асосий эътиборни қаратишни тақозо қилади. Ижодкорларимиз ақлий меҳнати билан ўлмас асарларни яратган ва яратмоқдалар,

булар неча асрдан буён сақланиб, ардоқланиб, миллатимиз шаънини кўкларга кўтариб келмоқдалар. Булардан одамлар қанчалик манфаатдор бўлса, ўшанча кўпаяверади.

Кўриниб турибдики, ақлий меҳнат маҳсулини истеъмол қилсангиз камаймас экан. Келажақда ҳозирги қилинаётган жисмоний меҳнатни ҳам ақлий меҳнат билан такомиллаштириб, жисмоний меҳнатнинг бир қисмини тугатиб бориш мумкин. Бунинг учун мамлакатимизда таълимга, тарбияга, саломатликни асрашга катта аҳамият бериш лозимлигини тақозо қилади.

Биринчи галда халқимиз генофондини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ҳомиладор аёллар ва болаларнинг овқатланиш рационали бўйича амалдаги меъёрларни халқаро стандартлар асосида қайта кўриб чиқиш ва яширин очликни бартараф қилиш лозим. Бунинг учун ҳар бир инсонни индивидуал минимал истеъмол саватчаси даражасида таъминлаш ва уларга кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини (тоза ҳаво, сув, озиқ-овқат тозаллигини ва асаб бузишларни олдини олиш) ошириш ҳаётий зарурият эканлигини алоҳида таъкидлаб, шунга эришиш чора-тадбирларини мунтазам равишда ҳаётга тадбиқ қилиш лозим бўлади.

Мамлакатимизда инсон капиталини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган тадбирларнинг бош мақсади – халқимиз генофондини сақлаш билан бирга, етук замонавий инновацион ғоялар билан қуролланган кадрлар авлодини шакллантиришдан иборат. Бунинг учун ақлли тиббиёт ва ақлли таълим хизматларини жорий қилиш натижасида ҳар бир кишининг умрини узайтириш ва ақл-заковатини ўстириш бўйича “йўл харитасини” амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Бизда ҳам ривожланган мамлакатлардаги каби таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни, бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Чунки ана шу сармоя ривожланган мамлакатларда 15-17 баробар миқдорда фойда келтирмоқда. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади. Нимага бундай аҳволдалигимизни, соҳадаги камчиликларнинг илдизларини пухта таҳлил қилиб, тезроқ ўнгланиш дастурини ишлаб чиқишимиз ва уни реал ҳолатда амалга оширишимиз лозимдир.

Биз Янги Ўзбекистонни шу кўзда тутилган янги мазмунда шакллантиришга эришиш учун асосий омиллардан бири, таъкидланганидек, инсон ақлий капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт. Мамлакатимиз олимлари ва салоҳиятли кадрлар имкониятларидан самарали фойдаланиш йўллари ҳам ишлаб чиқиш ва уларни кечиктирмасдан ишга солишни муҳим вазифамиз, деб қараш лозим бўлади.

Мамлакатимизнинг тараққиёт стратегияси ва инновацион ривожланишнинг асосий мақсади – адолатли жамиятни шакллантириб, аҳолининг фаровонлигини ошириш ва уларнинг розилигига эришишдан иборатдир. Бунининг асосий йўлларида бири сифатли тиббиёт, сифатли таълим, сифатли озиқ-овқат, сифатли яшаш шароити билан таъминланмоғи лозим. Бунда ҳар бир шахснинг имкониятини давлатимиз имкониятлари билан бирга қўшиб олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бирорта киши ўз тақдирига, Ватан равақига бефарқ бўлмаслигини ҳис қиладиган масъулият ва руҳиятга эга бўлиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, фақат ақлий меҳнат самарадорлигини ошириш эвазига Учинчи Ренессанс пайдеворини қуриш мумкин. Юқоридагилардан келиб чиқиб, бир қанча илмий-амалий тавсияларни ҳам келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

**Биринчидан**, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида сифат, сифат ва яна сифат (учта “ССС”) кучли ҳаётий шиоримизга айланиши ва тадбиркорларимиз ақлий меҳнат маҳсулотлари билан дунё бозорини эгаллашлари лозим. Бунда асосий эътибор фақат шаҳарга ёки қишлоққа эмас, балки барча ҳудудларда уларнинг бир маъромда амал қилинишини таъминлаш ҳам бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Чунки истеъдодли болалар ҳамма ҳудудларда мавжуд.

**Иккинчидан**, ҳозирги пайтда, ҳаётий заруриятлардан келиб чиқиб, иқтисодий категорияларнинг номлари ҳам ўзгармоқда. Жумладан, меҳнат ресурси ўрнига инсон ресурси ёки инсон капитали деган янги тушунчалар кириб келмоқда. Инсон капиталини

тўлиқ мазмун-моҳиятини ифода этадиган “Инсон ақлий капитали”, деб аташ мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Инсон капиталида зарур билим эгалланган бўлиши керак, албатта. Аммо инсон ақлий капиталида ушбу билимни кенгайтириш ва кўпайтириш учун узлуксиз равишда ақлни ишга солиб, креатив тарзда фикрлаб бориши натижасида уни такомиллаштириб бориши лозим бўлади.

**Учинчидан**, ҳозирги пайтда меҳнат унумдорлиги тушунчаси қўлланилиб келинмоқда. Аммо иқтисодиётга инновацион ғоялар ва ишланмалар, стартаплар, дастурий маҳсулотлар қўлланилиб, маҳсулотлар яратилмоқда. Энди ушбу тушунчани “**Ақлий меҳнат унумдорлиги**”, деб аталса, унинг мазмунини тўлиқ ифода этган бўлади.

**Тўртинчидан**, таълим барча соҳалар сингари ақлий меҳнатнинг шаклланишида ҳам асосий ўринга эга. Эндиликда ушбу атамани ҳам замон талабидан келиб чиқиб, “**Соғломлаштирадиган ва ақл-заковатни ўстирадиган таълим**”, деб аташ мақсадга мувофиқ. Бу билан таълим жараёнида фақат билим берилмайди, балки соғломлаштирадиган билимни бериб борилади. Шу йўналишда ақл-заковатни ўстирадиган йўллари ўргатадиган таълим ҳам берилади. Бу ўз навбатида, таълимнинг инсон камолотидаги қамрови ошиб боради.

**Бешинчидан**, инсонларнинг ҳар томонлама камолоти учун саломатлик бебаҳо неъмат. Шу туфайли соғлиқни сақлаш муҳим аҳамият касб этиб келган ва давом этмоқда. Бироқ соғлиқни сақлашдан кўра ҳозирги ҳаётимизда даволашга асосий аҳамият берилмоқда. Инсон соғлигини сақлаш учун тоза ҳаво, тоза сув ва тоза овқатланишни ташкил қилиш лозим бўлади. Бунинг учун соғлиқни сақлашнинг ўрнига “**Ҳаво, сув ва овқатларнинг тозаланиши сақлаш**”ни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ақлий меҳнатни ривожлантиришга қаратилган **ақлли тиббиётни** ҳам жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

**Олтинчидан**, ақлли жисмоний тарбияни ҳам жорий қилиш лозим бўлади. Чунки жисмоний тарбия кўр-кўрона қилинмаслиги лозим. Бири бошга қаратилган бўлса, иккинчилари барча бўғинларга, учинчилари қонни тозалаш эвазига қон айланиш тизимини яхшилашга, яна бир йўналиши яхши ухлашга, шунингдек, овқат ҳазм қилиш кабиларга йўналтириши ҳам мақсадга мувофиқ. Бунга эришиш учун ушбу йўналишни “**Ақлли жисмоний тарбия**”, деб атаб, ушбу ишга ҳамшиша оқилона ёндошилса мақсадга мувофиқдир.

Агар ушбу тавияларимиз амалга ошириладиган бўлса, мамлакатимизнинг “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида белгиланган соғлом ва ақлли жамиятнинг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади.

<p style="text-align: center;"><b>С.Гулямов, М.Пардаев</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Специфика интеллектуального труда, направления повышения его эффективности</b></p> <p><b>Аннотация.</b> В статье рассматриваются особенности интеллектуального труда и пути повышения его эффективности. Характеристика умственного труда и его эффективность по сравнению с физическим трудом базируются на нескольких аспектах. Заложить фундамент Третьего Ренессанса можно, повысив эффективность интеллектуального труда, и для достижения этой цели предлагается ряд научных и практических рекомендаций.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> труд, умственный труд, физический труд, творческий труд, интеллектуальный капитал человека, производительность интеллектуального труда, чистый воздух, чистая вода, соблюдение гигиены питания, умная медицина, умная физкультура.</p>	<p style="text-align: center;"><b>S.Gulyamov, M.Pardaev</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Specificity of intellectual labor, ways to increase its efficiency</b></p> <p><b>Abstract.</b> The article examines the features of intellectual labor and ways to increase its efficiency. The characteristics of intellectual labor and its efficiency compared to physical labor are based on several aspects. The foundation of the Third Renaissance can be laid by increasing the efficiency of intellectual labor, and a number of scientific and practical recommendations are proposed to achieve this goal.</p> <p><b>Keywords:</b> labor, mental labor, physical labor, creative work, human intellectual capital, productivity of intellectual labor, clean air, clean water, food hygiene, smart medicine, smart physical education.</p>
---	---

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

14.03.2025 йилда теришга берилди. 25.03.2025 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 13,87. Адади 100 нусха. Буюртма № 0012А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.